



## ФАРҒОНАНИНГ ТАШАББУСКОР ВА МЕҲНАТСЕВАР ИНСОНЛАРИ ИСЛОҲОТЛАРГА КАМАРБАСТА БЎЛСА, ХАЛҚИМИЗ ТУРМУШИ ЯНАДА ФАРОВОНЛАШАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев аҳоли ҳаёти, ҳудудлар ривожига билан яқиндан танишиш мақсадида 11 июль куни Фарғона вилоятига келди.



Мамлакатимизда транспорт инфратузилмаси соҳасида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Биргина ҳаво йўллари тармоғида Самарқанд, Термиз, Мўйноқ, Зомин аэропортлари янгиланиб, ишга туширилди. Тошкент ва Урганч халқаро ҳаво портлари таъмирланмоқда, “Тошкент-Шарқий” қайта қурилмоқда.

Жорий йил март ойда Қўқон аэропорти ҳам янгидан очилган эди. 11 июль куни Ўзбекистон Президентининг самолёти илк бор бу ерга қўнди.

Мазкур аэропорт 1977 йилда қурилган бўлиб, яқин йўналишларга парвозлар амалга оширилган. Кейинчалик фақат ҳарбий ҳаво кучлари томонидан фойдаланилган. Модернизация натижасида ушбу аэропорт орқали яна фақаро авиацияси парвозлари йўлга қўйилди.

Давлатимиз раҳбари бу ердаги бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Аэропортда 100 нафар йўловчиға мўлжалланган янги терминал қурилган, учиб-қўниш йўлағи қопламаси таъмирланган. Замонавий аэронавигация ускуналари ўрнатилган. Бу

ишлар натижасида аэропорт А320-200 ва АTR 72-600 русумли самолётларни қабул қилиш имкониятига эга бўлди.

Президентимиз энди бу аэропорт халқимизга манфаат келтириши кераклигини таъкидлади. Бунинг учун нарх ва хизматлари одамларга қулай қилиб, парвозларни кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ички туризм имкониятларидан фойдаланиш яхши самара бериши, халқаро рейсларни ҳам йўлга қўйиш мумкинлиги қайд этилди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев “Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals” акциядорлик жамияти фаолияти билан танишди.

Мамлакатимизда кимё саноати жадал ривожланмоқда. Сўнгги беш йилда бу соҳада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 2 баробарга ошиб, 45 триллион сўмга етди.

Хусусан, янги қувватлар ҳисобига минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ҳажми 17 фоизга кўпайиб, йилига 1,4 миллион тоннадан ошди. Бунда самарали инвестиция лойиҳалари катта ўрин тутмоқда.

Собиқ Қўқон суперфосфат заводи молиявий соғломлаштириш ва диверсификация қилиш мақсадида 2019 йилда Сингапурнинг “Indorama Holdings BV” компаниясига инвестиция мажбуриятлари билан сотилган эди. Унинг негизига “Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals” корхонаси ташкил этилди.

70 миллион доллар хорижий инвестиция жалб этилиб, ишлаб чиқариш технологиялари модернизация қилинди. Испания, АҚШ, Хитой, Ҳиндистон, Туркия ва Россия давлатларининг етакчи компанияларидан замонавий ускуналар келтириб ўрнатилди. Қўшимча 150 та иш ўрни яратилди.

2021 йилда модернизация ишларининг биринчи босқичи доирасида аммонийлашган суперфосфат, сувда тез эрувчан комплекс минерал ўғитлар, азот-фосфор-калийли (NPK) минерал ўғитлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Завод қуввати йилига 75 минг тоннадан 450 минг тоннага етказилди.

Хомашёлар маҳаллий корхоналардан олиб келинади. Масалан, фосфорит уни Қизилқумдан, сульфат кислотаси Олмаликдан,

аммоний сульфат Чирчиқдан, аммиак “Фарғонаазот” ва “Навийазот”дан келтирилади. Бу маҳсулот таннархини барқарор сақлаш имконини бераётди.

Яна бир муҳим томони, модернизация натижасида ишлаб чиқаришга сарфланган электр энергияси ва табиий газ харажатларини 35-40 фоизга қисқартиришга эришилган. Бундан ташқари, атроф-муҳитни ифлослантирмаслик учун асосий ишлаб чиқариш цехларига тўрт босқичли тозалаш ускуналари ўрнатилган. Илгари бу фақат икки босқичли бўлган.

Корхона йилига 30 миллион доллар маҳсулотни экспорт қилиш қувватига эга. Бугунги кунда МДҲ, Европа, Африка ва Осиёнинг 16 давлатига минерал ўғитлар экспорт қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари завод бўйлаб юриб, ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечирди. Корхона йирик кимё кластерига айланиб, нафақат иқтисодий, балки ижтимоий намуна бўлиши кераклиги таъкидланди. Завод ходимлари учун замонавий уй-жойлар

қуриш, келажакда мактаб ва шифохона лойиҳаларини ҳам назарда тутиш бўйича фикр алмашилди.

Корхона изчил ривожланмоқда ва кейинги босқичлар бўйича ҳам иш олиб борилмоқда. Иккинчи босқич доирасида 50 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилди. Швейцария, Германия, Ҳиндистон, Хитой ва Италиядан замонавий технологик ускуналар келтириб ўрнатилди. Ушбу босқичда йилига 24 миллион долларлик калий сульфат, сульфат кислотаси ва аммоний-хлорид ўғитлари ишлаб чиқарилади. 120 та янги иш ўрни яратилади.

Учинчи босқич ишлари 2025-2028 йилларда амалга оширилади. Унда моно ва дикальций фосфат, калий-нитрат, азот-фосфор-калийли комплекс минерал ўғит, кальций хлорид, моно аммоний фосфат, моно калий фосфат ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Лойиҳа қиймати — 100 миллион доллар. 235 та иш ўрни яратилади.

Давлатимиз раҳбари Фарғона вилоятида режалаштирилган янги инвестиция лойиҳалари билан танишди.

Кейинги етти йилда Фарғона вилоятига қарийб 77 триллион сўмлик инвестициялар жалб этилган. Уларнинг натижасида 116 мингта иш ўрни ва 4,5 миллиард долларлик экспорт имконияти яратилган.

Бу йил вилоятда 1,3 миллиард долларлик мингдан ортқ лойиҳа амалга оширилмоқда. Энди Фарғона вилоятида хорижий инвестор ва маҳаллий тадбиркорлар томонидан умумий қиймати 7 миллиард доллардан зиёд 132 та лойиҳа шакллантирилган. Шундан 2,1 миллиард долларлик 25 таси давлатимиз раҳбарига тақдирот қилинди.

Лойиҳаларга Австрия, АҚШ, Хитой, Россия, Туркия, Германия, Саудия Арабистони, Кувейт, Япония ва Озарбайжон каби мамлакатлар компаниялари инвестиция киритмоқда. Улар тўқимачилик, озиқ-овқат, тиббиёт, электротехника, қурилиш материаллари, хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқларни қамраб олган.

► Давоми 2-бетда

### Тараққиёт одимлари

Мамлакатлар ижтимоий-сиёсий тараққиётидаги турфахиллик уларнинг сайлов тизимида ҳам ўз аксини топган. Бу ҳолат мажоритар, пропорционал ва аралаш сайлов тизимларининг шаклланишига сабаб бўлди.

## АРАЛАШ САЙЛОВ ТИЗИМИ

### ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА МИЛЛИЙ ЁНДАШУВ

Мажоритар сайлов тизими муайян номзоднинг сайлов округида сайловчиларнинг кўпчилик овозини олиши зарурлиги билан тавсифланса, пропорционал сайлов тизими вакиллик органига ўз номзодларини кўрсатган партиялар ўртасида мандатларни тақсимлаш улар олган овозлар сонига мувофиқ амалга оширилишини билдирди.

Бироқ мажоритар ва пропорционал сайлов тизимининг ҳар иккиси ҳам айрим камчиликларга эга эканини кузатиш мумкин. Масалан, мажоритар сайловда

парламентни шакллантиришда сайловчилар берган ҳар бир овоз эмас, балки сайловда ғолиб бўлган номзодга берилган овозлар инобатга олинади, холос. Мағлуб номзодларга берилган овозлар эса ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмайди, яъни “қуйиб” кетади. Бундан ташқари, сайловда асосий эътибор номзодларга қаратилгани босиб, ушбу тизим кўппартиявийликнинг ривожланишига етарлича шароит яратмайди.

► Давоми 2-бетда

### “Ўзбекистон — 2030” стратегияси



## МИЛЛАТ САОДАТИ

### ФАҚАТ ВА ФАҚАТ ЁШЛАР ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИГА БОҒЛИҚ

Бугун мамлакатимизда кечаётган янгиланиш жараёни, ҳар бир соҳа ва йўналишни инсонларга қулайлик яратиш нуктаи назаридан замон талаблари асосида ислоҳ қилиш борасидага саъй-харажатлар юртдошларимиз билан бир қаторда халқаро жамоатчилик томонидан ҳам кенг эътироф этилмоқда. Шу ўринда савол туғилади: кейинги йилларда, ҳақиқатан, барча йўналишларда тарихий ўзгаришлар гувоҳи бўляпмиз, хўш, мамлакат тинчлиги ва тараққиёти, келажиги, аҳоли фаровонлиги, миллат саодати нуктаи назаридан олиб қараганда, уларнинг энг муҳими қайси?

Бунга ҳар кимнинг ўз қарашларига мувофиқ асосли жавоби бор. Бизнингча, уларнинг барчаси ҳақ. Чунки янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги янгиланишлар жараёнида ҳамма соҳа ва йўналиш, тармоқларда туб ўзгаришлар юз берди. Лекин қайсидир йўналишни танлаш керак бўлса, мақсад қаррови, бошқа соҳаларга таъсири нуктаи назаридан таълим тизимини алоҳида ажратиб кўрсатиш тўғрироқ бўлади, назаримда. Бинобарин, янги Ўзбекистон Учинчи Ренессансга эришишдек улкан маррани кўзлаган экан, таълим йўналиши унга асос яратиши, барча соҳа ва йўналишлар бўйича белгиланган юксак мақсадлар рўёбига замин бўлиши билан аҳамиятлидир.

► Давоми 3-бетда





“Ўзбекистон — 2030” стратегияси

МИЛЛАТ САОДАТИ

ФАҚАТ ВА ФАҚАТ ЁШЛАР ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИГА БОҒЛИҚ

ЎЗБЕКИСТОН 2030



Лутфулла СУВОНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Доноларимиз топиб айтганидек, касални даволагандан кўра олдини олган минг марта яхши. Шу боис, юқорида айтиб ўтганимиздек, кейинги пайтларда мамлакатимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айти пайтда таълимнинг сифат

кўрсаткичларини янада яхшилаш йўлида самарали чоралар кўриляпти. Соҳага замонавий ўқув методлари ютуқлари ва инновацион ишланмалар кенг жалб қилиниб, ёшларимизга ҳар томонлама сифатли таълим-тарбия беришнинг янги йўналишлари амалиётга татбиқ этилмоқда.

Бошланиши 1-бетда

Шу боис, мамлакатимизда таълим тизимини замон талабларига мос ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу мавзуга алоҳида тўхталишдан аввал Президентимиз нафақат юртимизда таълим тизимини ривожлантириш, балки минтақа ва глобал даражадаги нуфузли халқаро тадбирларда ҳам борда муҳим ташаббусларни илгари суриб келётганини алоҳида таъкидлаш ўринли.

Масалан, Марказий Осиё ёшлар форумини ўтказиш ташаббуси минтақада ёшларга доир сиёсатнинг умумий йўналишларини ишлаб чиқиш, зарур имкониятлар яратишга замин ҳозирламоқда. Шунингдек, Ёшларга доир сиёсатнинг умумий йўналишлари тўғрисида кўп томонлама битимни тайёрлаш ташаббуси ва ушбу йўналишдаги 10 га яқин бошқа ташаббуснинг амалга ошириш сиёсати бирламчи ва устувор минтақавий масала сифатида ўрнатилишига хизмат қилди.

Яқин кунларда бўлиб ўтган икки муҳим халқаро тадбир — Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси ва Туркий давлатлар ташкилотининг норасмий саммитида ҳам давлатимиз раҳбари долзарб ижтимоий-иқтисодий масалалар қаторида ёшлар таълимига эътибор қаратди. Жумладан, “Биз замонавий “билимлар иқтисодиёти”ни қуриш, креатив иқтисодиётни ривожлантириш учун рақамли технологиялар, блокчейн, булутли, квант ҳисоблаш технологиялари, робототехника, “тўртинчи санаот” кадрларини тайёрлаш соҳаларида ҳамкорликни кучайтиришдан манфаатдоримиз. Бунинг учун Туркий давлатлар ташкилотининг Инсон капиталини ривожлантириш илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш бўйича ташаббусни илгари сурагимиз ва уни юртимизда жойлаштиришга тайёримиз.

галикда амалга оширишга хизмат қиладиган ШХТ гуманитар ташаббус ва дастурлари янгона банкни ишлаб чиқиш таклифи этилди. Хўш, булар қайси жиҳатлари билан муҳим? Аввало, ёшлар масаласи ҳамма замонда долзарб бўлиб келган. Инчунин, биз ашаётган XXI асрда бу масала, ҳақиқатан, ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда. Эътибор беринг, кейинги пайтларда яқинларимиз, ҳамкасбларимиз билан гаплашганимизда негадир гап айланиб фарзандларимиз тарбиясига бориб тақалаверади. Кимдир фарзандининг смартфоню компьютердан кўз узолмай, муккасидан кетганидан нолиса, яна кимдир бугунги ёшлар тарбиясида рўй бераётган салбий ҳолатлардан куйинади. Кўпчилик бунда ўзини бош айбдор сифатида кўриб, сабабини ўзидан қидириб, бошқалар бунга жамиятни айблабди.

Сўхбатларимизда гап, асосан, бугун интернет тармоқлари орқали тарқатилган хабарларнинг барчаси ҳам инсоният учун маълум маънода керакли ёки жамият ҳаёти учун фойдали эмаслиги ҳақида кетади. Афсуски, тармоқларда хиёнат, фаҳш, жаҳолат ҳақидаги, ҳатто мазмунини тилга ҳам олиб бўлмайдиган турли шов-шувли хабарлар, маънавиятимизга буткул ёт маълумотлар нисбатан кўп тарқалган. Янада ачинарлиси, уларни барча, шу жумладан, ҳали оқ-қоранинг фарқига бормайдиган фарзандларимиз ҳам кўрапти. Уларда “шундай қилиш мумкин экан” деган тушунча шаклланипти ва аста-секин азалий қадриятларимиздан узоқлашиб бормоқда.

Ҳа, бугун ҳам орамизда кўчадан бери келмай, бирор ишнинг, касбнинг бошини тутмаган, ўз ҳаёт йўлини топшиш, келажагини мустақамлаш ўрнига бефойда ишларга вақтинчи

замонавий ўқув методлари ютуқлари ва инновацион ишланмалар кенг жалб қилиниб, ёшларимизга ҳар томонлама сифатли таълим-тарбия беришнинг янги йўналишлари амалиётга татбиқ этилмоқда.

Айти пайтда мамлакатимизда 10 минг 300 га яқин мактаб мавжуд. Кейинги йилларда улардаги шартно янада яхшилаш, ўқувчи ўрнини кўпайтириш бўйича тизимли ишлар қилинди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг биринчи бўлимида ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шартно яратиш ҳақида сўз юритилди. Катта стратегик аҳамиятга эга ҳужжатнинг биринчи бўлими айнан таълим тизими ислохотларига қаратилганидан ҳам билиш мумкинки, янги Ўзбекистон шартнода сифатли таълим масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан.

Ҳар бир инсонга салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шартно яратиш мақсади умумий ўрта таълим тизимида “Таълим учун қўлай муҳит” дастурини амалга ошириш доирасида олис ва чекка ҳудудларда жойлашган мактаб ўқувчилари учун бепул автобуслар қатновини йўлга қўйиш, мактабларни тоза ичимлик сув ва замонавий санитария-гигиена инфратузилмаси, янги дарсликлар, машқ дафтарлари билан таъминлаш, педагоглар учун методик қўлланма ва мобил иловалар, мультимедиа дастурлари яратиш, касб-хунарга ўргатиш курсларини очиш ҳамда хорижий тилларни ўрганиш масалаларини ўз ичига олган.

Умуман, соҳани ислоҳ қилиш борасидаги ишлар ҳақида узоқ гапириб шарт эмас. Чунки уларнинг натижасини барча кўриб, билиб турибди. Масалан, бугун берилаётган имконият ва имтиёزلардан самарали фойдаланиб, юксак чўққиларни забт этаётган ёшларимиз сонини қўндан кунга ошмоқда. Айниқса, кейинги пайтларда ёшлар орасида хорижий тилларни ўрганишга қизиқиш ортиб борапти. Бундан бир неча йил аввал хорижда ўқиш ушломас орзу бўлиб тулоларди. Мамлакатимиздаги изчил ислохотлар тўғрисида чет элда таълим олаётган ва фаолият юритаётган йи-



“Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг биринчи бўлимида ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шартно яратиш ҳақида сўз юритилди. Катта стратегик аҳамиятга эга ҳужжатнинг биринчи бўлими айнан таълим тизими ислохотларига қаратилганидан ҳам билиш мумкинки, янги Ўзбекистон шартнода сифатли таълим масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан.

йилларда ОТМнинг хорижий тил филологияси таълим йўналиши бўйича 3- ва 4-курсда тахсил олаётган ҳамда камда С1 даражадаги сертификатга эга талабаларнинг умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида ўқитувчи сифатида ишлашига рухсат этилади, — дейди Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Шахло Темирова. — Шунингдек, 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб хорижий тилларга ихтисослашган умумтаълим муассасаларида асосий хорижий тил сифатида немис, француз, корей, хитой ва япон тилларни ўқутилади.

2025 йил 1 декабрдан немис, француз, корей, хитой ва япон тилларини билиш даражасини баҳоловчи нуфузли хорижий ташкилотларнинг мамлакатимизда, биринчи навбатда, ҳудудларда қўшимча 5 та филиали очилди. Жорий йил якунига қадар инглиз, немис, француз, испан, корей, хитой ва япон тилларини В2 даражада билмайдиган ёшлар сони 100 минг нафарга етказилди.

— Айти пайтда “Ибрат фарзандлари” лойиҳаси доирасида 1 миллион 300 мингга яқин йити-қиз хорижий тилларга онлайн шаклда бепул ўқутиляпти, — дейди лойиҳа раҳбари Рустам Қориев. — Мазкур қарор биз учун янада катта имкониятлар эшигини очди. Хусусан, 2025 йил 1 январдан инглиз тили, кейинги йилларда бошқа хорижий тиллар ва замонавий касбларни ўргатиш бўйича дунёнинг етакчи марказлари, олий таълим ташкилотлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, уларнинг халқаро таълим стандартларига мос таълим дастурлари “Ибрат фарзандлари” ва “Устоз” лойиҳаларига татбиқ этилади. Энди мазкур қарор асосида энг чекка ҳудудларда “Ибрат фарзандлари”нинг ўқув марказлари фаолияти йўлга қўйилди. Ҳозир пилот лойиҳамизни Жиззах вилоятида амалга оширишга киришдик. Бу марказларга бевосита ўша ҳудудларда энг яхши натижани қўлга киритиб келётган педагогларни жалб этишимиз ва уларни Лондондаги малака ошириш курсларида ўқитишни режалаштирганимиз.

Вазирлик ва идоралар ҳамда давлат иштирокидаги корхоналарда ёш ташаббускор ходимлар ёшлар билан ишлаш учун масъул этиб белгиланади. Уларнинг фаолияти Ёшлар ишлари агентлиги томонидан услубий ва амалий жиҳатдан мувофиқлаштириб борилади. Шунингдек, болаларни ватанга садоқат, миллий, умуминсоний қадриятлар, ота-она, оила ва катталарга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларда табиатни асраб-авайлаш туйғуларини шакллантиришга қаратилган асарларни яратиш, чоп этиш ва оммалаштириш чоралари қўрилади.

Бугунги глобаллашу даври инсониятнинг замон билан ҳамнафас одимлашини талаб этади. Шу боис, турли соҳа мутахассислари ўз она тилини мукамал билиш билан бир қаторда бир нечта хорижий тилда мулоқот қила олиш устунлик беради.

Шундай экан, мазкур қарор илмий ва маърифатли ёшларни камолга етказиш, ёш авлоднинг иқодий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, хорижий тилларга ўқитишни янада оммалаштириш, шунингдек, бундай фаолият билан шугулланувчи марказларни қўллаб-қувватлаш ва ривожланиши учун қўлай муҳит яратишга хизмат қилади.



Ташкилот шифалигида аниқ фанлар бўйича Ёшлар туркий олимпиадаси ва Бутунжаҳон туркунослар конгрессини ташкил этишни ҳамда уларни келгуси йили Ўзбекистонда ўтказишни таклиф этишимиз”, деди.

ШХТ саммитида маданият, таълим, ёшлар ва сайёҳлик алмашинувлари соҳасидаги дастурларни биргаликда бажариш орқали ташкилотни янада бунёдкор тузилмага айлантириш, шу мақсадда мазкур йўналишлардаги лойиҳаларни тизимлаштириш ва барча манфаатдор томонларни жалб этган ҳолда бир-

гит-қизлар сафи йилдан йилга кенгаймоқда.

Айниқса, дунёнинг энг нуфузли олий таълим муассасаларида таълим олаётган, “Google”, “Tesla”, “WallMart” каби корпорацияларда, йирик банк-молия муассасалари ва ташкилотларда муваффақиятли ишлаётган ўзбекистонлик ёшлар кўпайётгани барчамизни хурсанд қилади.

Ушбу ютуқлар замирида катта меҳнат ва тил билиш кўникмалари ётибди. Доноларимиз тил билган эл билади, деб бежиз айтмаган. Шу сабабли мамлакатимизда хорижий тилларни ўргатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2023/2024 ўқув йилида умумтаълим мактабларига 500 нафардан ортиқ хорижийлик чет тили педагог-мутахассиси жалб қилинди. Жорий йилдан бошлаб Тошкент шаҳри ва ҳудудлардан танлаб олинган 500 дан ортиқ таълим муассасасида 2 та чет тилини ўқитиш бошланди.

Халқаро тил билиш даражаси сертификатини олиш учун имтиҳонда юқори балл тўплаган ёшларнинг ўқиш харажати давлат томонидан тўлиқ қопланаяпти. Биринга 2023 йилда 12 минг 400 га яқин ёшга 21,7 миллиард сўмга яқин маблағ тўлаб берилди. Ёшлар ишлари агентлиги томонидан йигирмадан ортиқ хорижий тилни онлайн тарзда бепул ва креатив ўргатиш учун “Ибрат фарзандлари” лойиҳаси ишга туширилди.

рув тизими яратилди. Бу эса маҳаллардаги ёшлар етакчилари орқали йигит-қизларни касб-хунарга ўқитиш, бандлигини таъминлаш, бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ кўплаб масалаларни қўйи бугуннинг ўзида ҳал этиш имконини бермоқда.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” да амалга оширишга оид давлат дастуридега умумий ўрта таълим мактабларига билимини баҳолашнинг янги тартибинини жорий этиш ҳамда иккинчи хорижий тил ва касбини ўргатишни кенгайтириш борасида бир қатор вазифалар белгиланган.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 27 июндаги “Ёшларнинг хорижий тилларга ўқитиш тизими самараларининг ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ёш авлодини қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган навбатдаги муҳим ҳужжат бўлди. Қарор билан Ёшлар ишлари агентлиги зиммасига қўшимча функциялар юклатилди. Энди агентлик ёшларни хорижий тилларга ўқитиш жараёнини такомиллаштиришга кўмаклашиб, чет тилларни мукамал ўзлаштириш учун шартноларни кенгайтиради.

Шунингдек, хорижий тилларни ўқитиш билан шугулланувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар, хусусий ўқув марказлари фаолиятини ри-

вожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, соҳадаги муаммолар ечимини топиш бўйича таклифлар тайёрлайди. Хусусий ўқув марказлари рейтингини шакллантириш ҳамда юқори ўринни эгаллаганларини рағбатлантириб боради. Ёшлар орасида касб-хунар ва хорижий тилларни ўрганишни тарғиб қилади ҳамда ушбу йўналишдаги ижтимоий лойиҳалар, кўрик-танлов ва олимпиадаларни ташкил этади.

— Энди имтиҳон топшириш харажати қопланадиган халқаро имтиҳон тизимлари бўйича камда С1 ёки унга тенгшатирилган мос даражадаги сертификат олган ёшларнинг имтиҳон топшириш харажатини компенсация қилишга қўшимча равишда ўқиш харажатини қоплаш учун БХМнинг 3 баробари миқдорда бир маргалик моддий рағбатлантириш тизими жорий этилади, — дейди Ёшлар ишлари агентлиги бош мутахассиси Элмурод Жабборов. — Ушбу амалиёт инглиз, немис, француз, корей, хитой ва япон тиллари бўйича қўланади.

Қарор билан 2024 йил 1 сентябрдан 2027 йил 1 январгача ёшларнинг немис, француз, корей, хитой ва япон тиллари бўйича халқаро имтиҳон тизимларида имтиҳон топшириш харажати қоплаб берилиши учун улар томонидан тўплагани лозим бўлган балнинг минимал кўрсаткичи бир поғона пасайтирилади. Шунингдек, умумий ўрта таълим муассасаларининг синфхоналарини таълим жараёнидан бўш вақтда касб-хунар ва хорижий тилларни ўқитиш учун тўғридан тўғри шартнолар асосида текин фойдаланиш ҳуқуқи билан хусусий ўқув марказларига беришга рухсат этилади. Хусусан, 2024 йилда камда мингта умумий ўрта таълим муассасасининг синфхонаси хусусий ўқув марказларига текин фойдаланишга берилди. Курсларда ушбу мактабларда таълим олаётган, “Ижтимоий хизмат ягона реестри”га киритилган оиналар фарзандлари бўлган юқори синф ўқувчилари бепул ўқутилади.

2024 йил 1 октябрдан бошлаб агентлик ҳар йили хусусий ўқув марказларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича рейтингини тузади ҳамда расмий веб-сайтида эълон қилиб боради.

Рейтинг натижаларига кўра, олис ва чекка ҳудудларда фаолият юритувчи энг юқори кўрсаткичга эга 100 та хусусий ўқув марказининг таълим жараёнида фойдаланадиган бино ва иншоотлар учун ижара тўлови харажатининг бир қисми Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жағмағармаси маблағлари ҳисобидан компенсация қилинади.

— Мактабгача ва мактаб таълими ҳамда олий ва ўрта махсус таълим тизими ўртасидаги боғлиқликни таъминлаш мақсадида 2024-2026

# ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ



## Инсон қадри учун



**Салоҳиддин САМАДОВ,**  
Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузурдаги Жамоат ишлари жамғармаси ижрочи директори

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва доимий даромадга эга бўлишни рағбатлантириш мамлакатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан саналади. Зеро, эҳтиёжманд аҳоли, хусусан, ижтимоий ёрдамга муҳтож фуқароларни қўллаб-қувватлаш, химоя қилиш жамият тараққийётининг энг асосий шартларидан биридир. Юрдошларимиз даромадини ошириш ва халқаро стандартларга жавоб бериш учун ижтимоий химоя тизимини ўрнатиш стратегик мақсадларимизда ҳам кўрсатилган.

Жумладан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққийёт стратегиясида мамлакатда иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадларини ошириш ва шу орқали камбағалликни қисқартириш вазифа сифатида белгиланган фикримизга далилди.

Ҳозирги кунда тadbиркорлик қилиш истагидан бўлган фуқароларни қўллаб-қувватлаш учун давлатимиз томонидан қатор имконият ва имтиёзлар яратилган. “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” тизимининг йўлга қўйилганидан асосий мақсад ҳам шу.

“Ёшлар дафтари” 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшларнинг ижтимоий мақомини кўтариш, имкониятларини рўйбга чиқариш, мазкур тоифадаги кишиларнинг жамият ҳаётига интеграцияси ва ижтимоийлашув жараёнини таъминлаш жамиятда улар фаолиятини оширишга қаратилган давлат сиёсатининг замонавий инновацион усулидир. Мазкур тизим барча ёшларни ижтимоий, ҳуқуқий, моддий ва руҳий-психологик қўллаб-қувватлашга йўналтирилган. Манфаатларини муҳофаза қилиш, эҳтиёжларини рўйбга чиқариш учун имкониятлар яратиш, ҳудудларда ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини кенг йўлга қўйиш, касбий малакаларини ўстириш, муаммоларини белгилаш асосида қўйинчиликларни бартараф этиш чоралари Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузурдаги Жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириб келинмоқда.

“Аёллар дафтари”ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тартиби жорий этилган. Ижтимоий ёрдам эса одамлар фаровонлигига салбий таъсир кўрсатадиган вазиятларнинг олдини олиш, бошқариш ва бартараф этиш билан боғлиқ. Касб-хунарга

ўқитиш марказлари ва олий ўқув юртлирида касб-хунарга тайёрлаш, арготехнология, боғдорчилик, сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ҳамда асалари-чилик соҳасида фермер ва деҳқон хўжалик-лари раҳбар ва ишчилари, томирқа ер эгаларини қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишни молиялаштириш учун грантлар ажратилган.

Президентимизнинг 2023 йил 21 декабрдаги “Оилаларни мустаҳкамлаш ва хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида, 13 миң 477 нафар хотин-қиз ҳақ тўланадиган жамоат ишлари асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига иш юритиш сифатида жалб қилиниб, уларнинг ойллик иш ҳақи 14,1 миллиард сўм молиялаштириб берилди. Қарорга асосан, ижтимоий химояга муҳтож, иш топишда қўйналаётган ва меҳнат бозорига тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган аёлларни жамоат ишларида жалб қилиш орқали яшаш шароитлари яхшиланди.

Ижарага тикув машиналари олганлар ижара тўловларидан озод этилди. Тошкент шаҳар Сергели туманида фаолият юритаётган 2-гурӯх ногирони, яқка тартибдаги тadbиркор У.Султоновага 2022 йилда 10 та тикув машинаси имтиёзли ижарага берилди, ногиронлиги бор 10 нафар хотин-қизнинг доимий бандлиги таъминланган. Бугунги кунда инвентарлар тadbиркорнинг балансида ўтказилган.

Шунингдек, 2023 йилда Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси мурожаатига кўра, 17 та буюртма шакллантирилди, 2023 йилда пилот лойиҳа асосида имтиёзли фондсиз ижарага бериш тизими орқали ишсиз ногирон шахсларнинг бандлиги таъминланди.

2021-2022 йилларда жамғарма томонидан “Темир дафтар”га киритилган

782 нафар, “Аёллар дафтари”га киритилган 1817 нафар, “Ёшлар дафтари” га киритилган 1114, жами 3713 нафар ишсиз ва банд бўлмаган фуқароларнинг бандлиги таъминланиб, 1795 оила камбағалликдан чиқарилди. Жамоат ишларида қатнашган ишсиз ва банд бўлмаган фуқароларни махсус кийим билан таъминлаш учун умумий қиймати 3,1 миллиард сўмлик махсус кийим харид қилиниб, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрининг барча туманларига етказиб берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 18 майдаги тегишли қарорига кўра, “маҳалла еттигили”нинг асосий вазифалари белгиланди.

“Биз фаолиятимизнинг биринчи кунларидан ҳамма ишни маҳаллада, халқимиз би-

лан биргаликда ташкил қилиб келямиз. Бу тизимни босқичма-босқич ривожлантириб. Энди яна қўшимча куч, имкониятлар берилди. Бу ҳам ваколат, ҳам масъулият, дегани. Маҳаллалар — давлатимизнинг энг катта замини”, дея таъкидлаган дид давлатимиз раҳбари.



**Жорий йилнинг 17 май кунини Халқаро меҳнат ташкилоти экспертлари Майкл Лю Кинг Сонг, Марта Эспейро, Ева Майрон ва Жамоат ишлари жамғармаси масъуллари иштирокида “Давлат бандлик дастурлари ва гамхўрлик иқтисодиёти — Ўзбекистон тажрибаси” мавзусида онлайн брифинг ўтказилди. Тadbиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш орқали яратилган доимий иш ўринлари, ногиронлиги бор шахсларга берилган имтиёзлар ҳақида батафсил маълумотлар алмашинуви бўлиб ўтди.**

Ана шу тамойил асосида жорий йилнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўзини ўзи бошқариш органларида ҳоким ёрдамчиларининг таклифи ва тавсиялари, “маҳалла еттигили” ҳулосасига асосан, ногиронлиги бўлган тadbиркорлар талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, имтиёзли фондсиз ижарага бериш тизимини йўлга қўйиш режалаштирилди. Шунингдек, тadbиркорлик субъектларига ижара асосида берилган восита ва техника ускуналарининг тўловларидан 3,9 миллиард сўм ижара тушумлари туширилишига эришилди.

Жорий йилнинг 1-2 май кунлари “Ўзэкспомарказ”да Ижтимоий химоя миллий агент-

лиги томонидан ташкил қилинган “Инсон учун” номли ногиронлиги бор шахслар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг республика савдо кўргазмаси бўлиб ўтди.

10 май кунини Жамоат ишлари жамғармасида кўргазма иштирокчилари “Zilola orzulari plus” МЧЖ раҳбари Юлдуз Тогаева, “Ko'zi oziqlar jamiyati EZGU NIYAT” МЧЖ раҳбари Наргиза Тўйчиева, “Shukriya textile” МЧЖ раҳбари Оловиддин Умаров билан учрашув ташкил қилиниб, уларнинг фаолияти яқиндан ўрганилди. Васийлик кенгашининг мажлис баёнига кўра, уларга асосий восита ва инвентарларни имтиёзли ижарага бериш таклифи қилинди.

Мамлакатимизда тadbиркор қанча кўп бўлса, фуқароларнинг бандлиги таъминланиб, фаровон оилалар сони ошади. Хусусан, Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси томонидан тақдим қилинган буюртмаларга асосан Фарғона вилояти Марғилон шаҳрида фаолият юритаётган “Саффуллоҳ асл мато” унитар корхонаси раҳбари, салоҳиятли тadbиркор Гулзода Баҳодирхоновага жамғарма маблағлари ҳисобидан 50 та тикув машинаси имтиёзли равишда ижарага берилди. Натijaда 55 та ишчи ўрни яратилди. Айни пайтда 25 нафар ишсиз ва банд бўлмаган ногирон ҳамда ногирон фарзандлари бор аёлларнинг доимий иш билан таъминланишига эришилди.

Жамғарма хорижий тadbирларда фаол иштирок этиб, ўзaro ҳамкорлик шартномаларини имзоламоқда. Шу йилнинг 21-22 феврал кунлари Туркияда бўлиб ўтган 27-Евроосиё иқтисодий саммитида қатор келишувларга эришилди. Жумладан, техник хизмат кўрсатиш йўналишида Ўзбекистонлик мутахассисларни Туркияда ўқитиш, малака ошириш, тажриба алмашишини йўлга қўйиш, 2025 йилда Ўзбекистонда тўқув дастохларини ишлаб чиқариш заводини қуриш, юртимизда ишлаб чиқарилган дастохларни Европа давлатларига экспорт қилиш чораларини кўриш тўғрисида келишиб олинди.

Жорий йилнинг 17 май кунини Халқаро меҳнат ташкилоти экспертлари Майкл Лю Кинг Сонг, Марта Эспейро, Ева Майрон ва Жамоат ишлари жамғармаси масъуллари иштирокида “Давлат бандлик дастурлари ва гамхўрлик иқтисодиёти — Ўзбекистон тажрибаси” мавзусида онлайн брифинг ўтказилди. Тadbиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш орқали яратилган доимий иш ўринлари, ногиронлиги бор шахсларга берилган имтиёзлар ҳақида батафсил маълумотлар алмашинуви бўлиб ўтди.

Шу йилнинг 24 май кунини Жамоат ишлари жамғармаси ижро этувчи дирекциясида Халқаро меҳнат ташкилоти эксперти Девид Тодд билан 2018-2024 йилларда “Халқаро меҳнат ташкилотида амалга оширилган ишларни баҳолаш” мавзусида давра суҳбатини ўтказилди. Давра суҳбати ХМТнинг 2018-2024 йилларда Ўзбекистонда олиб борган фаолиятига баҳолаш, унда ташкилот ёндашуви ва фаолияти қандай ўзгарганига эътибор қаратилди. Халқаро меҳнат ташкилоти вакили Девид Тодд томонидан Жамоат ишлари жамғармаси “Janub-Janub”, “Better work” лойиҳаларида иштирок этиши таклиф қилинди. Ўзбекистон тажрибаси юқори даражада баҳоланди. Халқаро ҳамкорлигини кенгайтириш, Ўзбекистон тажрибасини хорижий давлатлар, жумладан, МДХ ва Шарқ давлатларига тағбиқ қилиш, таклиф ва тавсиялар алмашиш ҳақида келишиб олинди.

Бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ яратилаётган муносиб меҳнат имкониятлари инклюзивлик, ижтимоий адолат, барқарорлик ва тинчлик калитидир. Юртимиздаги имтиёз ва имкониятлар сабабли ишсиз ва ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган фуқаролар қўллаб-қувватланаётгани келгусида ўзининг самарасини бериши шубҳасиз.

# ЁШ ТАДБИРКОРНИНГ ЧИРОҚЧИ ТУМАНИ

## Очиқ гап ҲОКИМИГА АЙТАДИГАН СЎЗЛАРИ КЎП

Бундан уч йил олдин, яъни 2021 йил 21 апрелда Президентимизнинг “Ёшлар саноат ва тadbиркорлик зоналари фаолиятини ташкил этиш ҳамда ёшларнинг тadbиркорликка оид ташаббусларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Унда ёшларнинг тadbиркорликка оид ташаббуслари, стартап лойиҳалари ва амалий тadbиркорларини рўйбга чиқаришига қўмаклашиш, ёш тadbиркорлик субъектларининг саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги лойиҳаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш каби устувор йўналишлар белгилаб берилган. Шу билан бирга, жойларда мазкур қарор иловасида қайд этилган манзиллар бўйича ҳар бир шаҳар ва тумандан битта маҳаллада Ёшлар саноат зонаси ташкил этиш учун ишлар бошланди.

Жумладан, юқоридаги қарор иловасида кўрсатилганидек, Чироқчи туманидаги “Жар” МФЙда ҳам бу борада ҳаракат бошланди. Белгиланган меъерий ҳужжатлар асосида тadbиркорлик йўналишига қизиқувчи ёшлар таклиф этилиб, ер ажратиб берилди.

Анчадан буюн бирор йўналишида ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни мақсад қилиб юрган Саловат Сувонов ҳам тендошлари қатори бир қанча мақсадни кўзлаган ҳолда белни маҳкам боғлаб ишга киришди.

— Ушa вақтда йитгирма ёшда эдим, — дейди С.Сувонов. — Тендерда қатнашимини айтишди. Шу ернинг ўзида номигагина тендер ўтказиб, айтилган ўлчам қолиб, тўрт ҳам эмас, 3,7 сотихдан ер ажратиб беришди. Бу камлик қилишини айтиб, эътироз билдирдим. Бирор-бир йўналишини ташкил этиш учун кенроқ жой зарурлигини таъкидласа-да, инобатга олишмади. Бизнес-режамини ҳам кўрсатдим, аммо қўлоқ солишмади. Аксинча, ёш эканимни, лойиҳам рўйбга чиқмаслигини таъкидлашди. Шундай бўлса-да, туман

мутасаддилари берган қоп-қоп ваъдаларга ишониб, шу жойда тadbиркорликка қўл урдим.

### Ҳамон электр токи йўқ

Ёш тadbиркор дастлаб қурилиш учун керакли маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳаракатига тушди. Айнан шу йўналишдаги мутахассислардан ўрганишлар олиб борди. Тажриба алмашди. Туманда рақобати бўлмаган, анчагина хариддориг, асосан, иншоотларнинг ташқи фасади учун ишлатиладиган плиткалар тайёрлашни режалаштирди. Шу мақсадда ускуналар харид қилди. Аммо бу жиҳозлар электр токида ишлайди. Бу ерда эса электр йўқ. Иш бошида ваъда берилган бўлса-да, олти ой вақт ўтганга қарамастан, ҳамон жимлик ҳукмрон. Бир неча бор мурожаат қилиб, мутасаддилардан қўмак сўралса-да, турли баҳоналардан нарига ўтиляпти.

— Бошида Ёшлар саноат зонасида барча имкониятлар яратиб берилди, ҳеч бир муаммо бўлмади, дейишганида бошқача тасаввурлар пайдо бўлганди, — дейди Саловат. — Орадан икки йил ўтса-да, электр муаммоси ҳал этилмади. Охири ўтган йилдан бошлаб шу ҳудудга яқинроқ жойда яшовчи хонадон эгаларидан илтимос қилиб, сим орқали ток тортиб келиб, иш бошладим. Мана, бир йил вақт ўтиб кетди. Яқинда кўча бошига трансформатор ўрнатиб, электр ҳал этилганини айтишди. Лекин қолганга ўзимиз сим олиб келиб, тортиб кетишимиз керак экан. Кўчи кеча 300 метр сим сотиб олиб келдим, ҳали шу трансформаторда ток бор-йўқлигини аниқ билмайми...

Бу ҳолатга ажабланмасдан иложи йўқ, Бониси, давлатимиз раҳбарининг мақолалима аввалда номи келтирилган қарорига кўра, қўрсатиб ўтилган барча манзилларда Ёшлар саноат зоналари 2022 йил 1 январга қадар тўлиқ ишга туширилиши лозимлиги таъкидланган. Бундан ташқари, қарорнинг 3-иловасида Ёшлар саноат ва тadbиркорлик зоналарини йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлашнинг манзилли дастури белгилаб берилган. Афсуски, бунга ҳеч бир киши эътибор қаратмаган.

### Аукцион қачон ўтказилади?

“Salovat Suvonov industries” МЧЖ ташкил этиб, қурилиш плиткалари билан нафақат Чироқчи, балки Яқкабоғ ва Қамаша туманлари аҳолиси талабларини бажаришини эълолган 20 ёшли ишбилармон кейинчалик қўшимча тармоқ очиб ҳаракатига тушди.



Тикувчилик цехи очиб, бу йўналишда буюртмачилар билан ҳамкорлик ўрнатди. Лекин бунинг учун алоҳида жой керак. Ёшлар саноат зонасида ўзи учун ажратилган Лотда қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан банд эди. Иложсиз қолгач, шу ҳудуддаги фойдаланилмаётган иморатни ижарага олиб, фаолиятини бошлаб юборди. Қизик томони, айнан шу манзилда аксарият лотлар ишлатилмасдан, гўёки эгасиздек ташлаб қўйилган. Айримларида деярли қурилиш ҳам қилинмаган. Санокчи киши фаолият юртмоқда. Аммо шайланган, иш ўрни яратиб, иқтисодиёт ривожига ҳисса қўшаган, деган фуқаро олдидати тўсиқларни бартараф этишга туман мутасаддилари негадир бепаров.

Саловат Сувоновнинг таъкидлашича, у фаолиятини кенгайтириш мақсадида қўшим-

ча ер сўраган. Аммо “тендер ана ўтказилди, мана ўтказилди” билан кун ўтиб бормоқда. Аслида, 2022 йил 13 июнда Президентимизнинг “Махсус иқтисодий, кичик саноат, ёшлар саноат ва тadbиркорлик зоналари фаолияти самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинган. Мазкур фармонга асосан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги давлат муассасаси шаклидаги кичик саноат зоналарини бошқариш бўйича ягона дирекциялар кичик ва ёшлар саноат зоналарини бошқариш бўйича ягона дирекциялар сифатида қайта ташкил этилиши ҳамда уларга қўшимча равишда ёшлар саноат ва тadbиркорлик зоналарини ривожлантириш, улар ҳудуддаги ер майдонлари, бино ва иншоотларни электрон онлайн аукционга

чиқариш каби бир қатор вазифалар юкланган. Шундай бўлса-да, ишлаш истагидидаги кишиларнинг вақти беҳуда кетмоқда. Ён-атрофидаги ерлар янтоқзор бўлиб ётса-да, меҳнат қилиб, фаолиятини янада кенгайтириб, иш ўрни яратган деган тadbиркор тендер қачон ўтказилишини кутишга мажбур.

### Англашилмовчилик ортидан эргашган ташвиш

Дастлабки давларда Ёшлар саноат зонасида бир олам орзулар оғушида белни маҳкам боғлаб ишга киришган ёш йигит тadbиркорлик йўлида бир қатор муаммоларга дуч келган деб ўйламоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббус билан тadbиркорларга яратилаётган имкониятлардан фойдаланиш истагиди эди. Афсуски, иш бошлаганидан буюн боши муаммодан чиқмай қолди. Йигитнинг айтишича, гоҳида фақат мурожаат қилиш ва унинг ижроси таъминланишини кутиш билан вақти кетмоқда.

— Гувоҳи бўлганингиздек, иш жойимиз саноат зонасига тегишли, — дейди С.Сувонов. — Аммо кадастр бўлимидагиларнинг англашилмовчилиги оқибатида бу ер меннинг номимга хусусий мулк сифатида ҳисобланиб, шу асосда солиқ солинган. Аслида, бу мулк шахсий эмас, балки Ёшлар саноат зонасига тегишли. Шундай бўлса-да, натижада 16 миллион сўмдан ортик солиқ қарздорлиги келиб чиқди. Бунинг нотўғри эканига аниқлик киритиш учун ҳам анча вақт кетди. Кейин ҳақиқатан адиш ҳисоблангани равшан бўлган, қарздорлик бекор қилинди. Жорий йил бошида яна тушунмовчиликлар келиб чиқиб, ер нотўғри ҳисоблаб юборилган. Бунинг оқибатида ҳали-ҳанузгача овораман.

Ёш тadbиркорнинг Чироқчи тумани ҳокими айтдиган сўзлари кўп. Фақат унга қулоқ тутилса, амалий ёрдам берилса бўлган. Бу мавзуга яна қайтишимиз.

Акбар РАҲМОНОВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Халқаро ҳамкорлик

СОДДА ВА МУРАККАБ

ЧЕТ ТИЛИНИ ЎРГАТИШДА САМАРАЛИ УСУЛЛАР ҚЎЛЛАНИЛИШИ КЕРАК

Бугунги глобаллашув даври инсониятнинг замон билан ҳамнафас одимлашни талаб этади. Айниқса, таълим соҳасини тубдан такомиллаштириш ва бир неча хорижий тилда эркин мулоқотга кириша оладиган жамиятни шакллантириш давр талабига айланди.

Чет тилларни ўрганишни омаллаштириш, бир неча хорижий тилда сўзлаша оладиган кадрлар тайёрлаш таълим сиёсатининг устувор йўналиши сифатида кўриломоқда. Зеро, жамиятнинг барча бўғинлари ривожига илгор, бир неча тилда эркин сўзлашадиган, ўз фикрига эга, салоҳиятли ёшлар муҳим ўрин

соҳаларда хорижлик мутахассислар билан эркин рақобатга кириша оладиган ёшларни тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда. Бугун мактаб битирувчиси камиди иккита чет тилини билиши зарурати юзага чиқди. Бу эса ўқитиш тизимини янада замонавий методлар билан такомиллаштириш, ҳар бир



тутади. Улар дунё ҳамжамиятида давлатнинг раънаки ва халқаро даражадаги ўрнини белгилаш билан бир қаторда барча соҳаларга янгилик олиб кирувчи қатлам сифатида қадрланади.

мактабда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг хорижий тилларни ўрганиш даражасини белгилаш, худудларда мактаблар рейтингини ишлаб чиқиш, хорижий тилларни ўргатиш имкониятини энг чекка қишлоқлардаги таълим муассасаларида ҳам яратиш ишларини янги бошқича кўтаришни тақозо этмоқда.



“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида педагог кадрлар мақомини ошириш, уларнинг билими ва малакасини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш мақсадида 1000 нафар тарбиячи ва ўқитувчини хорижий мамлакатларга малака ошириш ва стажировкага юбориш вазифаси белгиланган. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ривожланган мамлакатлар таълим тизими билан яқиндан танишиш, дунёнинг илгор таълим моделларини ўрганиш, амалиётта татбиқ этиш мақсадида қатор давлатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиб келмоқда.

Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан биргаликда француз тили фани ўқитувчиларининг билимини узлуксиз ошириш бўйича лойиҳа бунга бир мисол. Лойиҳа доирасида 2024/2025 йилларда умумий ўрта таълим мактабларининг 400 нафар француз тили фани ўқитувчисининг билимини баҳолаш, тажрибали мутахассислар томонидан онлайн ва офлайн қисқа муддатли малака ошириш курслари ўтказиш, Франциянинг нуфузли олийгоҳларига стажировкага юбориш, халқаро тил билиш имтиҳонларига тайёрлаш ва француз тилини билиш бўйича DELF/DALF дипломини олишига имконият яратиш кўзда тутилган.



— Жорий йил 7-8 май кунлари 1000 нафарга яқин француз тили ўқитувчисининг билими “EV@LANG” платформаси орқали баҳоланди ва 120 педагог кейинги бошқича тавсия этилди, дейди Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги бошқарма бошлиғи Наргиза Қўчқорова. — Франциянинг тажрибали мутахассислари томонидан шу йил 10-14 июнь кунлари Тошкент

ва Самарқанд француз альянсларида 120 ўқитувчи малака ошириш курсларида ўқитилди.

Шу йил 23 июнидан 7 июлига қадар 59 педагог Франциянинг Франкофония тил ўқитиш марказига стажировкага юборилди. Ўқитувчилар стажировка давомида таълимда замонавий технологиялардан фойдаланиш, таълим тизимидаги ўхшашлик ҳамда тафовут, ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш каби мавзуларда машғул ўтади.

— Франция таълимида дарс бошлангичидан олдин машғулота тайёрланиш, яъни кун мавзусига кириш деб номланган бўлим борлиги менга жуда маъқул бўлди, — дейди Қашқадарё вилояти Деҳқонobod туманидаги 20-мактабнинг француз тили ўқитувчиси Дилфуза Эшпўлатова. — Ўқувчи кун мавзусида ўз фикрини билдириши мумкин. Бу усулда ўқувчи фикрини бир вақтнинг ўзида ёзма ва оғзаки усулда баён этади. Одатда дарсимни уйга вазифа ёки янги вазифа билан бошлар эдим. Диктантни эса сўзинг сонига қараб олар эдик. Лекин Францияда диктантни грамматикага боғлаб олиш афзаллигини ўргандим. Утилган грамматик мавзун

текшириш мақсадида диктант олиниши самарали экан. Китобда бўлмаган маълумотларни доскага ёзиб, ўқувчиларга кўчиртирамиз, Францияда эса замонавий синфхоналардаги принтер, сканер, электрон доска 45 дақиқанинг анча мазмуни ва унумли ўтишига хизмат қилишни кўрдик.

Билими, маҳорати, тажрибаси нуқтаи назаридан юқори даражага эришган педагог ўқувчига сифатли таълим бера олади. Ўқитувчиларнинг билими оширилиб, янги методикалар, технологиялар ўргатилиб, фикр, тажриба алмашиш имконияти яратилаётгани эртага болалар билимида акс этади. Шу маънода, бир гуруҳ педагогларнинг илгор хорижий давлатларда стажировка ўташи касбий маҳорати ошишига самарали таъсир кўрсатади.

— Икки ҳафталик ўқиш давомида оғзаки ва ёзма нутқни шакллантириш бўйича турли интерфол методлардан фойдаланган ҳолда оғзаки ва ёзма нутқ устида ишладик, — дейди Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги 17-мактабнинг француз тили ўқитувчиси Гулсанам Шодиева. — Бу жараён соддан мураккабга қараб давом этади. Оддий, кундалик турмушдан тортиб, юқори даражадаги ижтимоий ҳаёт билан боғланадиган барча мавзуларни қамраб олган ҳолда дарслар ўтилди. Ёзма нутқ кўникмасини шакллантириш учун худди шундай машқлардан фойдаланилди. Ўрганган билим ва кўникмаларини ўқувчиларимга ўргатиш ва уларни халқаро даражада тан олинган сертификатлар олишга тайёрлашни мақсад қилиб қўйдим. Халқаро тан олинган сертификатларга эга бўлиш ўқувчиларимга дунё эшикларини очиб учун калит бўлиб хизмат қилишини, Францияда ва француз тили расмий тил бўлган мамлакатларда ўқиши мумкинлигини тушунтираман.

Шу кунларда яна 60 ўқитувчи Франциянинг Франкофония тил ўқитиш марказида стажировка ўтамоқда.

Жорий йил августда Франциянинг тажрибали мутахассислари томонидан онлайн шаклда 120 нафар ўқитувчи учун қисқа муддатли малака ошириш курслари ташкил этилиши кўзда тутилмоқда. Тошкент ва Самарқанд француз альянслари лойиҳасида иштирок этган барча француз тили фани ўқитувчилари DELF/DALF халқаро имтиҳонини топиради. Имтиҳон натижаларига мувофиқ педагоглар DELF/DALF халқаро дипломи берилади. Мазкур лойиҳа 2025 йилда ҳам давом эттирилади ва 300 га яқин ўқитувчи қамраб олинади.

Хориждаги илгор тажрибани чуқур ўрганиш, таълим жараёнини янгилаш, энг замонавий ўқитиш методикаларини қўллаш стратегик фикр юритиладиган, билими ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Рисолат МАДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Ҳаётимни ўзгартирган кун

КРАНЧИ ҚИЗ:

“Юқоридан осмон ҳам, ер ҳам гўзал кўринади”

Кунларнинг бирида мактабдан қайтаётган, маҳалласида янги қад ростлаётган кўп қаватли уйлари қизиксиниб кузатаётган Севинчнинг эътиборини қурилишда кран бошқараётган аёл киши тортди. Ҳали умрида бундай улкан техникани аёллар бошқарганини учратмаган ва ҳатто эшитмаган ҳам эди. Анча вақт кранчининг хатти-харакатини кузатгач, уйига йўл олди.

Шу кундан бошлаб қизнинг тинчи бузилди. Ҳар кун қурилиш майдонига келиб, кранчини кузатадиган бўлди. Бир марта ҳатто кран бошқараётган опа билан суҳбатлашишга ҳам эришди.

— Ассалому алайкум, опажон, — деди Севинч пешонасидаги терни артганча крандан тушиб келган аёлга яқинлашиб.

— Ваалайкум ассалом, — кранчи аёл ҳайратланиб қараб турган қизнинг ақнига келиб алик олди. — Бу ерда нима қиляпсан?

— Сизни кузатяпман. Кран бошқаришинингизни кўриш учун ҳар кун шу ерга келаман. Тўғриси, сизга ҳавас қиламан. Кўрқмайсизми?

— Йўқ, ўрганиб кетганман. Муҳими, кран бошқариш сирларини мукамал ўрганиш керак. Шунда иш унчалик оғир туюлмайдди, машаққати ҳам ортга чекинади.

Севинч шу кун кранчи опа билан анча вақт суҳбатлашди ва бу мулоқот қизнинг ёдида бир умр муҳрланиб қолди. Келгусида айнан кран бошқарувчиси бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Навоий вилоятида кенг бунёдкорлик ишлари давом этмоқда. Айниқса, кўп қаватли уйлارнинг қурилиш худудлар кўрқига кўрк қўшмоқда. Бу жараён навоийлик Севинч Саидованинг ҳаётида ҳам бурилиш ясади ва мақсадлари рўёбига хизмат қилди.



— Маҳалламиздаги қурилишда аёл киши кран бошқараётганини кўриб, тўғриси, ҳайратимни яширолмаганман, — дейди Севинч Саидова. — Айнан шу воқеа туфайли техниканига меҳрим тушган. Кранчи опанинг баландиқдан кўрқмаслиги, яқиндан ва маҳоратига қойил қолганман. У билан жондан суҳбатлашгач, менда ҳам кран бошқариш истаги туғилди. Мактабни битирганимдан сўнг ўқув марказларида айнан шу йўналиш бўйича ўқидим, кран техникасини бошқаришни ўргандим. Бир-икки йиллик амалиётдан кейин мустақил равишда кран бошқардим.

Айни пайтда қаҳрамонимиз Навоий машинасозлик заводининг ишлаб чиқариш бирлашмаси таъмирлаш-механика цехида кран машинистини бўлиб ишлаб келмоқда. Ушбу завод Навоий кон-металлургия комбинатининг таркибий бўлинмаси бўлиб, мамлакатимиздаги энг йирик машинасозлик корхонасидир. Бу ерда 3000 дан ортиқ ишчи-ҳодим фидокорона меҳнат қилмоқда. Уларнинг 175 нафари таъмирлаш-механика цехида Севинч Саидова билан елкама-елка ишлайди. Уларнинг 56 нафари хотин-қизлар.

— Бу ерда касбим бўйича кўп нарса ўргандим. Дастлаб келганимда 5-10 тоннагача юк кўтаришга мўлжалланган кран техникасини бошқардим. Йиллар давомида тажриба тўпладим. Ҳозир 100 тонна

ва ундан ортиқ юк кўтаришга мўлжалланган кранни ҳам бошқаряпман, — дейди Севинч Саидова.

Бугун Севинч меҳнат қилаётган завод бренди остида ишлаб чиқарилаётган металл ва ёғочга ишлов бериувчи дастоҳлар, йирик автомобиллар учун мураккаб деталлар ва бошқа юқори сифатли маҳсулотлар нафақат мамлакатимиз корхоналари, балки хорижий давлатларга ҳам етказиб берилмоқда. Корхонада тайёрланаётган ўта юқори аниқликдаги сифатли металл конструкциялар, ускуна ва жиҳозлар ҳамда туризм ўлачмадаги эҳтиёт қисмларга талаб охиб борапти. Завод жамоаси комбинат бўлималари учун турли русумдаги дастоҳлар, жиҳозлар, ностандарт ускуналар, эҳтиёт қисмлар, насос, арматура ва қонвейер роликлари каби кўпмақсадли маҳсулотларни ишлаб чиқариб, ўз вақтида етказиб бермоқда. Завод томонидан қўйим маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Бу ютуқларда, албатта, Севинч каби ёшларнинг ҳам салмоқли ҳиссаси бор.

Ёшлар кунлари арафасида Президентимиз фармони билан Севинч Саидова “Келажақ бунёдкори” давлат мукофоти билан тақдирланди.

— Бу мукофот билан тақдирланганим ҳамда давлатимиз раҳбари билан учрашганим ҳаётимдаги энг қувончли ва унутилмас воқеадир. Онам оламдан ўтган, отам бор. Ушбу ютуғимдан у беҳад қувониб, дуо қилди. Қолаверса, корхонадаги ҳамкасбларим ҳам бу эътирофдан жуда мамнун бўлди. Кран машинистси касбини танлаганимдан мамнунман. Бу юртда ҳар бир инсон эътиборда, меҳрати эса муносиб қадр топишига яна бир бор амин бўлдим. Бундан кейин ҳам шижоат билан ишлаб, ватанимиз раънаки учун хизмат қилишда давом этаман, — дейди “Келажақ бунёдкори” давлат мукофоти соҳибаси Севинч Саидова.

Юртимиз — ёшлар мамлақати. Улар қайси соҳа ёки касбда бўлмасин, шижоат ва матонат билан мақсади томон интилаётганини Севинч каби ёшлар тимсолида кўриш мумкин. Бу эса юртимизнинг эртанги кунини янада ёруғ ва фаровон бўлишидан далолат.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Истеъдод

ИМКОНИЯТДАН ФОЙДАЛАНА БИЛИШ САНЪАТИ

30 июнь — Ёшлар кунлари арафасида Президентимизнинг тегишли қарори билан қобилиятли, интилувчан ва ташаббускор ёшлардан бир гуруҳи давлат мукофотлари билан тақдирланган эди. Улар орасида амударёлик Аббосбек Йўлдошев ҳам бор. Унинг “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирланиши ушбу худуд ёшларини ҳам тўлқинлантириб юборди.



Фарзандининг Муҳаббатга қизикшини англаган Баҳромжон ва Муҳаббатхон уни Кипчоқ шаҳарчасидаги 21-болалар мусиқа ва санъат мактабига ўқшига беришга қарор қилганида Аббосбек 4-синф ўқувчиси эди.

— Мураббийим Ражаббой Абдуллаев мусиқа мактабига сизни қўлимга ушлапти, санъат сир-асорларидан илк сабоқ берган. Ўқиниш давомида кўп-кўп танловларда қатнашдим, — дейди Аббосбек.

Табиатин тиришқик, ўз устида ишлаган асло чарчамайдиган Аббосбек умумтаълим мактаби ўқув дастурини ўзлаштириш билан бирга мусиқа ва санъат мактабига ҳам сабоқ олди. Тинимсиз изланишлар самара бериб, болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилган Мухтор Ашрафий, Муҳиддин Қориеқубов номидаги кўрик-танловларда бир неча бор совриндор бўлди.

Эришган ютуқлари Аббосбек қалбидида орзуларга қанот бағишлаб, келажақ сари ойдин йўллари очиб берди.

Умумтаълим мактабининг 9-синфини тутатган Аббосбек Йўлдошев Нукус ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактабига имтиёзли равишда ўқшига қабул қилинди. Ушбу мактабда таниқли созанда ва педагог Несипбай Алексеевдан мусиқа сирларини ўргана бошлади.

Қорақалпоғистонлик санъатсевар ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2021 йил 5 апрелда Ўзбекистон давлат консерваториясининг Нукус филиали очилди. Нуфузли таълим масканининг асосий вазифаларидан бири миллий мусиқа санъати соҳасида юқори малакали бакалавр ва магистрларни, шунингдек, соҳада чуқур тадқиқотлар ўтказиш салоҳиятига эга педагог кадрларни тайёрлашдан иборат. ОТМнинг очилиши Аббосбек Йўлдошев каби санъатсевар ёшларнинг ўз иқтидорини амалда намоён этиши, танлаган йўналишни бўйича чуқур билим олиши учун катта имконият берди.

Аббосбек ўқиш билан бирга турли фестивал, кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этиб, ҳар сафар ғолиблар сафидан жой олди. Хусусан, 2021 йилда бўлиб ўтган халқ чолғу ансамблиларининг республика фестивалида Ўзбекистон давлат консерваторияси Нукус филиали халқ чолғу ансамбли аъзоси сифатида иштирок этиб, жамоа муваффақиятига муносиб ҳисса қўшди.

— Олийгоҳда таълим олиш баробарида барча танловларда истеъдодимни намойиш қилиш, қорақалпоқ санъати доврўғини таратишга интиламан. Хусусан, 2022 йилда бўлиб ўтган “Поэзия гулшани” онлайн кўрик-танловда махсус диплом билан тақдирланган бўлсам, 2022 йилда Германияда ўтказилган халқаро “GRAND PRIX” онлайн танловда фаол иштирокчи учун Ўзбекистон давлат консерваторияси залида бир мартали бепул концерт бериш имкониятини қўлга киритдим, — дейди Аббосбек. — Шунингдек, 2022/2023 ўқув йилида ютуқларини янада самарали бўлди. 2022 йилда “Ўз мутахассислиги бўйича йилнинг энг билимли талабаси” номинацияси ғолиби бўлдим.

Қўсига давлат мукофотини тақдан мард ўғлон ўз муваффақиятилар билан ота-онаси, устозларини қувонтириди. Уларнинг оғ фотиҳаси Аббосбекни янги марраларга руҳлантириб, келажақ сари дадил қадам ташлашга ундайверди.

Минаятдин ҚУТЛИМУРАТОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



Янги спектакль

# “КРЕАТИВ ФИКРЛАШ ПАЙТИ КЕЛДИ”

## ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНИ ҲАҚИДАГИ САҲНА АСАРИГА ЧИЗГИЛАР

### Жаҳон саҳналаридаги тараддуд нафаси

Таниқли актёр Евгений Лебедев “От ҳақида қисса” спектаклидаги ижроси ҳақида тўхталиб, бундай интервью берган эди: “Станиславский актёрларга болаларни ўрганиш, уларнинг қандай ўйнаётганини диққат билан кузатиш лозимлигини бежиз таъкидламаган. Чунки болалар доимо тасаввурдаги предметлар билан яшайди: уларнинг кўзларидаги таёқ — от, стул — кема, қўғирчоқ эса жонли инсонга айланади. Лекин биз, катталар тасаввур қилиш бўйича болалар олдида анча нўноқмиз. Назаримда, Холстомернинг ўлимига ишонини учун томошабин қаҳрамонимизнинг бўйнидан оқётган қонга ўхшаш қизил бўёқни кўриши шарт эмас. Ингичка қизил тасмаларга ишора қилиш зақий томошабин учун етарли. Шунда у фантазиясини ишга солади ва отнинг ўлимига ишонади. Ҳар қандай санъат асарига қанчалик натурализмдан йироқлашсак, шунчалик табиийликка эришамиз”.

— Креатив фикрлаш ва ёндашув пайти келди, — дейди режиссёр Обиджон Абдуллаев. — Жаҳон саҳналарини аллақачон янги услуб ва модернистик қарашларни ифодаловчи асарлар тўлдириб бўлган. Биз оддий хунарманд ҳаёти нима учун дунё сайёҳлари қалбини забт этгани, эътиборини тортгани борасида жуда чуқур изландик. Шунинг билан етдикки, Тоҳиржон Ҳайдаров бугунги кунимизнинг миллий характерини акс эттираётган, изланаётган замонамиз жадиждаридан экан. Демак, у ҳақдаги асар ҳам янги руҳда, услубда бўлиши, жаҳон саҳналаридаги тараддуд нафасини ифодалаш керак! Спектаклда кўплаб рамзий топилмалардан фойдаланганмиз. Шу боис, кўрсатилаётган



юклаган. Ана шу ўй ҳаёлидан ўтиши билан режиссёр бу асарни Ўзбекистон театрлари учун бир оз янгилик ҳисобланувчи саунд-драма жанрида саҳналаштиришга аҳд қилди. Ушбу жанрдаги асарда мусиқа етакчи ўрин тутди. Буни қарангки, ҳамма куй-қўшиқлар репетиция жараёнида туғилди. Ижодкор кўпроқ Умар Ҳайём рубонийларидан илҳомланар, миллий руҳиятимизга яқин мусиқаларни танлашга ҳаракат қилар эди. Хунармандни бир душман деб билувчи собиқ совет даврининг таназзули кунларини ифодалайдиган мусиқани танлаш эса ўзига хос машаққат талаб қилди.


Уй-музейга келаётган сайёҳларни тасвирланган яна бир воқеа шуки, Тоҳир ака нафақат кулол, балки шоиртабиат инсон. 200 йиллик тарихга эга қўқонаравани бизга сотинг, деган хорижлик меҳмонга “Дунёдаги энг катта маблагни тортқ этсангиз ҳам сотмайман. Чунки бу арава аждодларимизга тегишли”, дея жавоб қайтарган. Ўз жавобидан қаноатланмай, юрт ҳақидаги шеърлардан бирини ўқиб берган.

### “Халқимга, ватанимга керакман!”

— Тоҳиржон Ҳайдаров 2000 йилгача “Муштум” журнали билан ижодий ҳамкорлик қилган, — дейди Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг рафиқаси, шоира Назира ас-Салом. — У ҳақда Муҳаммад акадан кўп бора эшитганман. Тоҳир ака чизган карикатуралар ўтган асрнинг 70-йиллари ўрталаридан матбуотда чоп этила бошлаган. У ҳар сафар тахририятга борганида журнал бош муҳаррири Неъмат Аминовнинг хонасида ўтадиган кўплаб ижодий суҳбат ва мушоираларга гувоҳ бўлган. Усмон Азим, Шавкат Раҳмон, Муҳаммад Юсуф, Сирожиiddин Сайид каби эл севган ижодкорлар билан танишиб, суҳбатлашган, уларнинг янги шеърлари тақдиротида қатнашган. Муҳаммад Юсуф

### “Кулол уй-музейи — сеvimли масканимиз”

— Икки йилдирки, турмуш ўртоғим Марямжон билан Фаргона давлат университетининг аспирантурасида иштирок этаётганмиз, — дейди эронлик ўқитувчи Фарзат Ғаффорзода. — Ижтимоий тармоқларда Тоҳир кулол оилавий уй-музейи ҳақида ўқиганимизда, тўғриси, жуда ҳаяжонландик. Чунки бошқа давлатларга борганимизда фақат музейларни томоша қилиш имконига эга бўлганмиз. Мазкур оилавий уй-музейда эса ҳаёт ўзгача: ўз кўлингиз билан дастгоҳда кўза ясашингиз, Тоҳир кулол ўчоқда дамлаб берган паловнинг мазасини татиб кўришингиз ва



тарихнинг сирли бағрига уста хунарманд билан саёҳат қилишингиз мумкин. Спектакль премьерасига ҳам бажонидил бордик. Ўзбек драматургияси янгиликларидан баҳраманд бўлдик. Энг муҳими, кулолнинг ўз ватанига, халқига муҳаббати жуда чиройли очиб берилган.

ўша машур “Парижнинг энг гўзал ресторанидан битта тандирнингга алмишмасман мен” деган мисраларини ҳам илк бора ўша даврада шоир дўстларига ўқиб берган.

Замондошимиз ҳаётининг саҳна асарига айланиши юртимизда хунармандликка, миллий анъана ва қадриятларимизга қаратилаётган юксак эътибордан далолат. Ўз бахту камолини эл-юрт равнақи, шону шавкати билан боғлаган ҳар бир инсон қадрлар экан, қалбидаги муҳаббат, садоқат, ижодиёт гулхани янада кўкларга ўрлаб бораверади.

Ушбу мисралардан таъсирланган уста хунарманд шоирнинг “Ўзбекистон” шеърини сопол лаганга игна билан ўйиб ёзади. Муҳаммад ака Риштонга борган чоғида хунарманд ўша лаганни кўрсатади. Шоир лаганни менга совға қилинг, дейди. Кулол эса “Йўқ, бу лаганни ҳозирча сизга бера олмаман. Нақш ва жилослари маромига етмаган. Кейинги сафар учрашганимизда уни, албатта, сизга совға қиламан”, дея жавоб қилди. Бироқ кўп ўтмай, халқимизнинг сеvimли шоири вафот этгани ҳақидаги хабарни эшитганимизда, хунарманд ушбу хабарни эшитганидан кейинги изтиробларини спектакль жараёнида актёр шу қадар маромига етказиб кўрсатиб бердики, бу лавҳа нафақат мени, балки барча томошабинларни йиғлатди.

\*\*\*

Спектакль намойиши давомида томошабинлар бир неча марта актёрлар ижросини қарасак ва самимий эътирофлар билан олқишладик. Тошадан сўнг ўзи ҳақида ёзилган асар премьерасидан боши кўкка етган замонамиз қаҳрамони Тоҳиржон Ҳайдаровни суҳбатга қорладик.

— Спектаклни кўраётиб кўнглимдан жуда кўп мулоҳаза, кечинмалар ўтди, — дейди у. — Шу лаҳзаларда ҳақиқий бахтни ҳис қилдим. Англадимки, ватанимга, халқимга керакли инсонман. Агар мендан омаднинг нимада, деб сўрашса, бошимни баяндаб тутиб, “Бир оддий хунармандни кўллаб-қувватлайдиган халқим борлиги, шундай жаннатоманд юрт фарзанди экани меннинг омадим. Ўла-ўлгунимча шу юрт, халқ хизматида бўлиш асосий вазифам”, дейман.

Замондошимиз ҳаётининг саҳна асарига айланиши юртимизда хунармандликка, миллий анъана ва қадриятларимизга қаратилаётган юксак эътибордан далолат. Ўз бахту камолини эл-юрт равнақи, шону шавкати билан боғлаган ҳар бир инсон қадрлар экан, қалбидаги муҳаббат, садоқат, ижодиёт гулхани янада кўкларга ўрлаб бораверади. Руҳий-маънавий кўтарилшининг бу паллалари ҳар бир юртдошимиз қалбига чин яшаш ва курашини завқини, шижоатини бахш этса, ажабмас!



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКҮР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

### Мухтасар ТОЖИМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



Фаргона вилояти мусиқали драма театрида драматург Илҳом Ўрмоннинг “Кулолнинг армони” номли асари асосида саҳналаштирилган спектакль премьераси бўлиб ўтди. Риштон кулолчилик мактабидан етишиб чиққан ўзига хос, бетақрор услубини яратган уста, “Дўстлик” ордени соҳиби, Ўзбекистон Бадий академияси ҳамда “Хунарманд” уюшмаси аъзоси Тоҳиржон Ҳайдаровнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган асарда бугунги ўзбек хунарманди юрагидан кечаётган ўйлар, изтироблар, орзулар ўзига хос талқинда ифодаланган. Режиссёр Обиджон Абдуллаев саҳналаштирган асарнинг таъсирчан ва ҳаётийлиги саҳналаштирувчи расм Фуркат Қўчқоров яратган декорация ва безаклар орқали таъминланган. Бош қаҳрамон образини актёр Акмал Мирзаев маҳорат билан талқин қилган.

### “Дунёни қишлоғимга олиб келаман”

Ҳар гал Риштон туманига кириб борганимизда уста кулол Тоҳиржон Ҳайдаров айтиб берган болалик хотиралари ёдимизга тушади. Бир кун 14 ёшли Тоҳиржон энанига “Бозорга сабази сотгани борганимизда бир амаки қайси қишлоқдан эканимни сўради. “Жалойирданман”, десам, бизнинг қишлоғимизни танимади. Нима учун, энажон?” деб савол берганида онаси “Болам, қишлоғимизни танишлари учун сен ўз хунаринг ёки билиминг билан унинг шонини дунёга тарақитлаш керак”, дея жавоб берди. Шунда Тоҳиржон “Мен дунёга чиқмайман, аксинча, дунёни қишлоғимга олиб келаман, мана кўрасиз!” деган экан. Чиндан ҳам бугун “Тоҳир кулол оилавий уй-музейи”ни излаб келаётган нафақат юртдошларимизнинг, балки хорижлик сайёҳларнинг қадами узилмайдик. Демак, 14 ёшли Тоҳиржоннинг орзуси амалга ошиб, Жалойир қишлоғини дунё тан оляпти!

— Спектаклдаги барча воқеалар уста хунарманднинг болалигида юрагига туккан ушбу мақсади атрофига қурилган, — дейди санъатшунос Шохрух Абдураулов. — Миллатнинг шаъни учун кураш, миллий қадрият ва анъаналарни тиклаш гоёси илгари сурилган. Зеро, ҳар бир инсон ўз касби, хунари ва билими билан ватани, миллати тараққиётига хизмат қилиши керак. Кулол Тоҳиржон Ҳайдаров хунармандлар учун яратилаётган имкониятлар туфайли давримизга файз бераётган замонамиз қаҳрамонларидан. Истеъдодли ва ёш режиссёр Обиджон Абдуллаев саҳналаштирган “Кулолнинг армони” саҳна асари жуда яхши таассурот қолдирди. Бадий жиҳатдан ҳам, гоёвий жиҳатдан ҳам спектакль гоёт пухта ишланган. Театр санъатининг барча ифода воситалари — куй, кўшиқ, хореографик ҳаракатлар, стенография ўз ўрнида қўлланган. Энг муҳими, бадий жиҳатдан ахлит спектакль дунёга келган.

### Кўза ва лаганларнинг оромжон суҳбати

Томошабин ва мутахассислар эътирофича, уста ясаган сопол буюмларнинг кулол атрофида ҳаракатланиши, жонлани-

ши саҳнадаги ижодий муҳитга янги руҳ бағишлаган. Қадимий кўза ва лаганларга ноодатий либослар танланган. Айни ғайритабиий жонлантириш жуда яхши топилма сифатида эътироф этилди.

— Тоҳиржон Ҳайдаров нафақат хунармандлар иштирокидаги, балки вилоят



ижодкорлари жамлашиб, мушоира қиладиган дилбар анжуманларда ҳам қатнашиб туради, — дейди сценарий муаллифи Илҳомжон Ўрмон. — Учқўприқдаги ижодий учрашувлардан бирида уста хунарманд Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф билан бўлган бир воқеани ҳаяжон билан сўзлаб берди. Унинг сўзларидан таъсирланиб, дастлаб “Кулолнинг армони” деган шеър ёздим. Шеърдан баҳраманд бўлганлар айни мавзуда драма ёзишга ундади. Пьеса тайёр бўлган, уни устозим — Ўзбекистон санъат ароби, профессор Карим Йўлдошев ўқиб кўриб, керакли маслаҳатлар берди. Истеъдодли ёш режиссёр Обиджон Абдуллаев билан ҳамкорликда иш бошлар эканмиз, асарни ҳар доимгидан ўзгача услубда саҳналаштиришга аҳд қилдик. Яъни хунарманд қалб кўрини бағишлаган кўза ва лаганларни жонлантиришга келишдик.

воқеликни онгли равишда эмас, ҳаёл чигиринидан ўтказиб, фалсафий тарзда англаш ва қабул қилиш талаб этилади.

Ёш режиссёр Обиджон Абдуллаев ҳаммаша янгиликка интилади. Дастлаб асарни ўқиб чиққач, уни саҳналаштириш кўп вақт талаб этишини, бу ижодий жараён оддий бир хунарманднинг эмас, балки маънавий-маърифий юксалиш иштиёқидаги замондошимизнинг ибратли ҳаётини акс эттириши лозимлигини таъкидлаган. Режиссёр саҳналаштириш жараёнида Тоҳиржон кулолнинг музей-устахонасига бориб юрганида ҳар бир кўза ва лаганга битилган тарихимиздан хабар берувчи битиклар мутафаккирларнинг қимматли сўзлари тушларига кириб чиқар, гўё ҳар бир буюм ижодкор билан сўзлашар эди. Ахир хунарманд уларнинг ҳар бирига қатта масъулиятни — дилбар шеър ва ҳикматлар сабоғини бугунги кун инсонлари қалбига жо қилиш вазифасини

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ  
МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган таъкилот жавобгар.  
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 236. Буюртма — 2391  
42368 нусxada босилди.  
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.  
Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Мухтасар Тожимаматова  
Мусахҳис: Насиба Абдуллаева  
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев  
Манзилими:  
100060, Тошкент шаҳри,  
Шаҳрхисаб кўчаси, 85-уй